

Ўзбекистон Республикаси

Давлат статистика қўмитаси марказий аппарати ходимлари ўртасида Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини ўрганиш соатлари тўғрисида маълумот

2019 йил 14 июнь
соат 15-00

Давлат статистика қўмитаси
3-қават, мажлислар зали

Ўрганиш соатларини ўтказувчи: Қ.Мусаев – Юридик бўлими бошлиғи

Қатнашдилар: Қўмита марказий аппарати
бошқармалари ва бўлимлари
ходимлари (14 киши)

Ўрганиш соатларида ўтилган мавзулар:

Маърузачи – Ш.Ахунов

1. *Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги “Болаларни давлат умумий ўрта таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматларининг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги 469-сонли қарори ҳақида*

Тадбир давомида иштирокчиларга маърузачи томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги “Болаларни давлат умумий ўрта таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматларининг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги 469-сонли қарори бўйича тушунтиришлар бериб борилди. Қарорда болаларни давлат умумтаълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Қарорга мувофиқ, 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб болаларни умумий ўрта таълим муассасаларига қабул қилиш жараёнини Давлат хизматлари маркази ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив хизматлари портали орқали босқичма-босқич амалга ошириш назарда тутилган. Бунда фуқаролар йўлланма орқали таълим муассасаларига мурожаат қиладилар

Шунингдек, қарорда Халқ таълими вазирлигига, Ички ишлар вазирлигига, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига ҳамда Адлия вазирлигига бир қанча вазифалар юклатилган.

Ушбу қарорга илова сифатида маъмурий регламент ва таълим муассасалар рўйхати келтирилган.

Йиғилган иштирокчилар томонидан ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича маърузачи саволлар беришди ҳамда белгиланган муддатда ва қизиқарли ўтказилди.